

**АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШДА  
“ҚАДИМИЙ-ХАТАБА” УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ**

**Андижон бунёдкорлар шахри.**

**Г. СИДДИҚОВ**

**Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти “Амалий математика ва информатика” кафедраси катта ўқитувчиси Ўзбекистон, Андижон шахри**

**E.mail: [akhmadjon00@mail.ru](mailto:akhmadjon00@mail.ru)**

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДА «ДРЕВНЕЙ ХАТАБА» ПРИ  
РЕКОНСТРУКЦИИ И РЕМОНТА ПАМЯТНИКОВ АРХИТЕКТУРЫ**

Андижан – город творцов.

Г. СИДДИКОВ Преподаватель кафедры «Прикладной математики и информатики» Андижанского института экономики и строительства, Узбекистан.город Андижан

**USING THE "ANCIENT KHATABA" METHOD IN RECONSTRUCTION  
AND REPAIR OF ARCHITECTURAL MONUMENTS**

Andijan is a city of creators.

**G. SIDDIKOV**

Lectures at the Department of “Applied mathematics and Informatics” Andijan Institute of Economics and Construction, Uzbekistan.Andijan city

Изоҳ: Ушбу мақолада архитектура ёдгорликларини таъмирлашда қўлланиладиган “Қадимий Хатаба” усулини қўлланилиш борасида тажриба алмашилган.

Калит сўзлар: меъморчилик, архитектура, тарихий обида, бунёдкор, маданий меърос

Аннотация: В данной статье делится опытом использования метода «Древняя Хатаба», который применяется при реставрации и ремонте памятников архитектуры.

Ключевые слова: модерн, архитектура, исторический памятник, креатив, культурное наследие.

Annotation: This article shares the experience of using the "Ancient Khataba" method, which is used in the restoration and repair of architectural monuments.

Key words: modern, architecture, historical monument, creative, cultural heritage.



**КИРИШ:** Бугун янги Ўзбекистонда истиқболли ишлар амалга оширилаётган бир пайтда меъморчиликнинг катта хиссаси бор десак муболаға бўлмайди. Шу боис ҳам бугунги Янги Ўзбекистон ёшларига ўз тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда меъросимизда бўлган архитектура ёдгорликларимизни таъмирлашда қўлланиладиган асосий усуллардан бирига тўхталиб ўтмоқчимиз. Меъморий обидаларни таъмирлашда ахамият қилиниши лозим бўлган фиклариизни баёни билан танишасиз.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**





Андижон шаҳридаги “Жомеъ мадраса-масжид” комплекси 1930 йил..Андижон шаҳри, Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Ўрта Осиёнинг йирик тарихий маданий марказларидан бири ҳисобланган. Бу заминда қадимий шаҳарлар *Далварзин*, *Эйлатон*, *Мингтепа*, каби жойлар борки, бу Андижон тарихининг бебохо бир бўлаги сифатида, шу кунга қадар уларнинг айрим қолдиқлари сақланиб келмоқда. Юқорида айтилганидек шаҳар нақадар бой ўтмишга, эга эканлиги, меъморчилик тарихи эса, шаҳарнинг келиб чиқиши тарихи билан боғлиқлиги эътироф этилади. Андижонда шаҳарсозлик маданиятини ривжланиши, ҳамда ундаги тарихий ёдгорликларни бугунги ҳолатига келсак, эски шаҳар ҳудудида жойлашган, 1882-1892 йиллари Маматалибой сармоёси эвазига қурилган. «*Жомеъ мадраси масжид*» комплекси мисолида қуриш мумкин. Манбаларда ёзилишича Андижон ҳокими Насриддинбек ҳуқумдорлик қилган даврда жами 26 та масжид қурилишига изн берилган бўлиб улардан 16 таси шаҳар атрофида, 10 таси қишлоқлардаги катта маҳаллаларда қурилганлиги бизларга тарихдан маълум.. Умуман олганда, Урта Осиёда қурилган масжид ва мадрасалар асосан шаҳар ташқарисида қурилган. VIII-XIII асрларда, айрим масжидлар истисно тариқасида шаҳар ичкарисида ҳам қурилган. «*Жоме мадраси масжид*» комплекси, (Ок масжид) ана шундай истисно тариқасида шаҳар ичкарисида қурилган масжидлардан бириди Бу шаҳар тарихидан сўйловчи ёдгорлик XIX- асрларга оид ягона меъморий обида бўлиб. унинг ташқи кўриниши, архитектураси, XIX- асрларда қурилган улкан бинолар кўринишида қурилган. Бу ҳолатни «*Жоме мадраси масжид*» комплекси қурилишида ҳам такрорланганлигини кўриш мумкин... Ўтмиш сирларидан воқиф бўлган бу ёдгорлик шаҳардаги ягона меъморий обидалардан бири бўлиб,



унинг асосий ташқи фасад кўриниши Туркистон заминида қурилган мухташам сарой мажмуаларидан: *Бухородаги «АРК», Қўқондаги Худайёрхон «Урда»си*, Тошкентдаги *“Кўкалдош”* мадрасасаси каби меъморий ечимга эга бўлган тарихий обидалар кўринишида қурилган. Сабаби, ўша даврда қурилган, улкан биноларнинг ташқи фасад кўриниши (*архитектура*)си юқорида қайд этилган бинолар кўринишда қуриш, оммалашганлигини тоқозо қилади. Буни 1892 йиллари, истеъдодли буюк турк меъмори устод *Мухаммад Исо афанди* шогирди, *Уста Мусо* лойихаси асосида қурилган *«Жомеъ мадраса масжид»* комплекси мисолида кўриш мумкин. *«Жомеъ мадраса - масжиди»* комплекси бизларга XIX- асрдан ёдгорлик бўлиб қолган меъморий обида ҳисобланиб, маълумотларга қараганда, шу кунга қадар ушбу мадрасада уч маробата таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бу 1902 йили бўлиб ўтган Андижон zilzilасидан сўнг.

*«Жомеъ мадраса масжид»* комплекси 1924 йил, 1972 йил, сўнги таъмирлаш ишлари эса давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг 2016 йилда амалга оширилган..

Шуни тақидлаб ўтиш жойизки, *“Жомеъ масжид мадраса”* комплексини таъмирлаш жараёнида, таъмирлочи усталар тамирланаётган меъморий обида тарихи тўғрисида маълумотга эга эмаслиги, таъмирловчи усталарни тарихий биноларни таъмирлаш учун билим малакаси етишмаганлиги сабабли кечириб бўлмас камчиликларга йўл қўйиш ҳоллари ҳам бўлган.

Жумладан: *“Жомеъ масжид мадраса”* комплекси худудида жойлашган минорани таъмирлаш жараёнида минора қурилиши тўғрисида маълумот берувчи тарихий битикни ўз холига келтириб таъмирлаш ўрнига минорадаги битик ўрнини суваб (беркитилиб) ташланган. Бу ҳаракат билан замондошимиз Ожиз Андижонийнинг абжад санъатида битилган таърихий шеърни тиклаш ўрнига лавха ўрни бутунлай сувоқ қилиб ташланган. Лавҳда минора қурилиши тўғрисида кўфий ёзувида ёзилган икки қатор шеър битилган бўлган..

*Таърихи манор “Махмуди гарийб”*,

*“Насрум мин Аллохи ва фатхун қорийб”* Бу мумтоз шеърятдаги абжад санъатида ёзилган икки қатор ғазал битилган тарихий битикни таъмирлаб асли холатига келтириш ўрнига, олиб ташланиши бу тарихга бўлган ҳурматсизлик деб билиш мумкин. Бундай эътиборсизликни сабаби таъмирловчи усталарни мутахассис эмаслигидан деб билиш мумки Бир қарашда *«Жомеъ мадраса масжид»* комплекси 1 (Бир гектар) га. кенгайтирилган ҳолда қайта қурилиб, яхлит бир меъморий мажмуа, (комплекс) холатига келтирилган. Бу кўхна Андижон шаҳри учун мустақиллик йилларида амалга оширилган хайрли ишлардан



биридир. Шунини таъкидлаб ўтиш жойизки, мустикаллик шарофати билан вилоятдаги меъморий обидалар бағрига “шамол текканидан”, бутун Андижон аҳолиси мамнун. Республикадаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш учун давлатимиз тамонидан катта миқдорда маблағ ажратилаётгани барчага маълум, жумладан: “Биргина «Жоме мадраса масжид» комплексини таъмирлаш ишларини бажариш учун 11 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланди,” дейди Вилоят Маданий меърос бошқармаси бошлиғи Б.Умаров. Амалга оширилган таъмирлаш ишларидан “маҳобатли минорани” олсак таъмирлашчи усталар тамонидан қатор камчиликларга йўл қўйган ҳолда таъмирлаш ишлари амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Буни оддий фуқаро кўзи билан эмас, мутахассислар кўзи билан қараш кераклиги тўғрисида фикр юритмаган. Сабаби таъмирловчи усталар соҳа мутахассиси эмаслиги туфайли бутун бошли бир мажмуа марказида жойлашган минорадаги тарихий битикка нисбатан саводсизларча ёндашишганлар. Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган шаҳарга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар шахримизга келишдан аввал, бу обидани интернет орқали томоша қилиб, сўнгра ёдгорликни асл кўринишини кўриш учун ташриф буюраётганини ҳисобга олиш ўта муҳимдир. *Тарихий обидани ёки ёдгорликни, таъмирлашдан мақсад, уни шунчаки ўзига ўхшатиб таъмирлаб қўйиш эмас, аксинча обидани табиий атмосфера тасиридан, таркибидagi емирувчи тузлардан, ҳамда сейсмик ҳолатини химоялашдан иборатдир.* “Жоме масжид мадраса” комплексининг таъмирланишига келсак 2016 йили”Маданий Мерос объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бошқармаси қошидаги “Меърос чашмаси” давлат унитар қархонаси “ЛУК” тамонидан тайёрланган махсус лойиҳа асосида таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Комплексга кириш роввотининг пештоқ қисми ҳамда масжиднинг ҳар иккала тамонида жойлашган гумбазнинг ички (*интерер*) қисмини, пордозлаш ишлари, шу кунда кенг қўлланилиб келинаётган «*часпак*» усулида таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бу усулда олиб борилган пордозлаш, таъмирлаш ишлари 15-20 йилларга етиб бормасдан, таъмирталаб бўлиши, шу кунда ҳеч кимга сир эмас. Кўҳна Самарканд, Бухора, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларда олиб борилган таъмирлаш ишлари якунида буни исботини кўриш мумкин. Бу ҳолатни олдини олиш мақсадида, қадимда таъмирловчи усталар тамонидан фойдаланиб келинган «*хатаба*» усулидан фойдаланишни йўлга қўйиш вақти етиб келди десак бу соҳага ҳар тамонлама тўғри ёндошган бўламиз. Архитектура фанлари доктори, профессор М.Қосимов.тамонидан олға сурган «Ўзбекистонда меъморий ёдгорликларни



таъмирлаш муаммолари тўғрисидаги) мақоласида билдирган таклифларини, кувватлаш, таъмирловчи усталарни, ушбу усулда таъмирлаш ишларини бажаришга ўқитишни йўлга қўйиш, айнан шу йўл билан, вақтинча таъмилаш ишларига чек қўйиш, мумкинлиги тўғрисида, фикр билдирган. Бирок бизнингча таъмирлаш жараёнида, асосий камчилик, бу конструкциядаги намлик ва унинг таркибидаги емирувчи тузларнинг ташқарига чиқиб кетмаслигидадир. Буни юқорида такидлаганимиздек, таъмирловчи усталар қадимда «хатаба» усули орқали бартараф этганлар. Маълумки «хатаба» усулида бино конструкцияси ва унинг пардозловчи қопламаларида шамол ўтувчи йўللارни қолдириш тушунилади. Бундай усулдан XIV-асрнинг иккинчи ярмида, ҳамда XV асрда Амир Темурнинг гоъвий устози бўлган Шамсуддин Мир Кулолнинг таклифига кўра Темурийлар давлатининг пойтахти Самарқанд шаҳрида қурилган Регистон майдонидаги Шердор мадрасасига кириш, пештоқ қисми ҳамда гумбаз қурилишида, Шохи Зинда ансамбилидаги Козизода Румий ва бир неча мақбараларнинг пештоқ қисми қурилишида “хатаба” усулидан фойдаланган ҳолда қурилганлигини кўриш мумкин. Шу сабабли бу обидалар асрлар давомида таъмирга мухтож бўлмай ўз ҳолатини сақлаб келмоқда. Мақсадимиз Ўрта Осиёдаги 10.000 дан ортиқ ёдгорликларни, айниқса 2,500 дан ортиқ меъморий обидаларни таъмирлашда қадимда фойдаланилган “хатаба” усулида таъмирлашни йўлга қўйиш, келажакда бундай усулда таъмирловчи олий малумотли мутахассисларни Андижон Иқтисодиёт Институтда ҳам тайёрлашни йўлга қўйишдан иборатдир. Бу биринчидан ёдгорликларни таъмирлаш муддатини узайтириш билан бир қаторда Республика ҳудудида мавжуд бўлган 7000 дан ортиқ ёдгорликларни таъмирлашга сарфланадиган маблағларни тежаши имконини беради.. Қадимда таъмирловчи усталар тамонидан айрим такрорланмас обидалар қурилишида бу мураккаб усулидан фойдаланганлиги учун бу обидалар асрлар давомида таъмирга мухтож бўлмай шу кунга қадар ўз ҳолатини сақлаб келмоқда. Андижон шаҳрида мавжуд тарихий обидалар санокли, аммо таъмирлаш ишлари бугунги кунда “часпак” усулида олиб борилганлигини инкор этиб бўлмайди. “Хатаба” усулида таъмирлашни бир неча нозик томонлари ва сабаблари бор. Масалан, сир берувчи моддалар, кошин тупроғининг танланиши, технологик жараён ва бошқа сабаблар бўлиши мумкин. Бирок, бизнингча асосий камчилик бу конструкциядаги намлик ва унинг таркибидаги емирувчи тузларнинг ташқарига чиқиб кета олмаслигидадир. Буни юқорида таъкидлаганимиздек таъмирловчи усталар қадимда бу муоммони «хатаба» усули орқали бартараф этишган... Маълумотларга қараганда



Республикада 7 мингдан кўпроқ ёдгорликлар, шу жумладан 2500та меъморий обида, 2700тадан кўпроқ археологик ёдгорликлар, 1800тадан зиёд монументал санъат асарлари давлат муҳофазасига олинган. Юртимиздаги Бухоро, Самарканд, Хива каби шаҳарлар қаторида Андижондаги тарихий обидалар, нақшларга бой, ёдгорликлар кўпчиликка, айниқса кейинги йилларда хорижий саёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда ўтмишдан қолган бебохо ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлашга, жуда катта эътибор бераётган Ўзбекистон халқи ва унинг раҳбариятига Аллохнинг ўзи мададкор бўлсин!», - дейди ЮНЕСКОнинг маслахатчиси Лун Мишен. Мамлакатимиз мустақиллика эршганига 35 йил тўлмоқда. Бу давр ичида Республикадаги барча кўхна шаҳарларда олиб борилган таъмирлаш ишлари қаторида, Андижон вилоятида ҳам ёдгорликлар таъмирланиб ўз холларига келтирилди. Жумладан шаҳар марказида жойлашган «Жомеъ масжид комплекси», XVIII-аср Бобур давридаги хунармандлар маҳалласи ўрнида 1973 йили ташкил этилган «Очик осмон остидаги музей» Деванобой, Жиддаи муборак, Довудхон Турам, Шахрихон туманидаги Гумбаз, Баликчи тумани Пучукой кишлоғидаги «Имоми Азам» жомеъ масжиди каби ўнлаб масжидлар, шулар жумласидандир. Президентимиз Ш.Мирзиёевни вилоятимизга қилган ташрифлари давомида, вилоятда олиб борилаётган, ободонлаштириш ишларига ижобий баҳо берилиб, келажагимиз эгалари бўлмиш билимли кадрлар сафини тўлдириб бориш тўғрисида қилган ғамхурликлари туфайли Андижон шаҳрида ташкил этилган «Иқтисодиёт ва қурилиш институти» нинг профессор ўқитувчилари тамонидан 7 хил йўналиш бўйича олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш учун ўз билим ва тажрибаларига суянган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Жумладан «олий математика ва информатика» кафедраси, архитектура йўналиши бўйича сабоқ олаётган 3-курс талабаларидан икки нафари профессор ўқитувчилар раҳбарлигида қадимда меъморий обидаларни таъмирлашда қўлланилган «хатаба» усули бўйича таъмирлаш сирларини ўрганиш уни амалда қўллаш бўйича илмий иш олиб бормоқдалар. Ишончимиз комил, вақтлар келиб аждоқларимиз тамонидан меъморий обидаларни таъмирлашда қўлланилган «хатаба» усулининг янги муаллифлари етишиб чиқади. Андижонни қадимдан бунёдкорлар юрти деб бежизга айтмаганлар, шу сабабли ўзбек бинокорлик санъатининг кўп асрлик тарихи бор. Аждоқларимиз тамонидан бунёд этилган ва бизгача сақланиб қолган, хашаматли нақшинкор саройлар, масжид ва мадрасалар, бир-биридан гўзал осмон ўпар миноралар ўзбек усталари тамонидан бунёд этилган. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек меъморчилиги



кадим замонлардаёк хар тамонлама, ривожланган юрт эканлигидан далолат беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Shoqosim o'g'li, A. U., Rahimovna, T. O. R., Mamasiddiqovna, A. N., Mamasoliyevich, T. R., & Roxataliyevna, A. N. (2022). Technologies For Improving The Quality Of Educational Results Of Schoolchildren By Developing A Personalized Model Of Teaching Mathematics Through Interactive Stories. *Journal of Positive School Psychology*, 6(11), 1354-1365.
2. Akhmedova, N. (2022). DEFINITION OF THE CONCEPT OF "ALGORITHMIC COMPETENCE". *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(12), 140-143.
3. Машарипов, В. У., Мирвалиева, Н. Р., & Абдуллаев, У. М. (2023). Местный иммунитет и специфическая сенсibilизация к антигенам бактерий у больных тонзиллитом. *Science and Education*, 4(2), 392-400.

